

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.14/30.12.2019.I.84.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НИЗАМОВ АКМАЛ АСЛИТДИНОВИЧ**

**МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРКИБИЙ ЖИҲАТДАН  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ  
(БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**08.00.12 – Минтақавий иқтисодиёт**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in  
economic sciences**

**Низамов Акмал Аслитдинович**

Минтақа иқтисодиётини таркибий жиҳатдан такомиллаштириш  
йўллари (Бухоро вилояти мисолида)..... 3

**Низамов Акмал Аслитдинович**

Пути совершенствования структуры экономики региона  
(на примере Бухарской области)..... 27

**Nizamov Akmal Aslitdinovich**

Ways of structural improvement of the regional economy (on the example of  
the Bukhara region)..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.14/30.12.2019.I.84.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НИЗАМОВ АКМАЛ АСЛИТДИНОВИЧ**

**МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРКИБИЙ ЖИҲАТДАН  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ  
(БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**08.00.12 - Минтақавий иқтисодиёт**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Iqt176** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация **Ўзбекистон миллий университетида** ва **Бухоро муҳандислик-технология институтида** бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.ifmr.uz](http://www.ifmr.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қаюмов Абдуҳаким Абдуҳамидович**  
география фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Олимжонов Одил Олимович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Рўзиев Ойбек Абдумўминович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди

**Ётақчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти хузуридаги DSc.14/30.12.2019.1.84.01** рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «22» январь куни соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел.: +998(71) 244-01-17 [info@ifmr.uz](mailto:info@ifmr.uz))

Диссертация билан **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг Ахборот-ресурс марказида** танишиш мумкин (6-12 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел.: +998(71) 244-01-17 [info@ifmr.uz](mailto:info@ifmr.uz))

Диссертация автореферати 2021 йил «12» январь куни тарқатилди.  
(2021 йил «12» январь даги 2 рақамли ресепт баённомаси).



**Т.М. Ахмедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Д.М. Курбанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Р.Р. Хасанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда юз бераётган ҳозирги ноаниқлик шароитида минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсишга асосан маҳаллий табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳамда минтақалар иқтисодиётининг таркибий тузилишини такомиллаштириш орқали эришилмоқда. Шунинг учун минтақалар иқтисодиётини таркибий жиҳатдан ўзгартириш хориж мамлакатларда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда.

Жаҳон амалиётида минтақалар иқтисодиёти таркибини такомиллаштириш муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, минтақа иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш омилларини ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тақсимлаш, таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали саноат ва хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш ҳамда ялпи ички маҳсулот таркибида уларнинг улушини кескин ошириш устувор йўналишлар қаторига киради. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш»<sup>1</sup> масаласи кўйилган. Айниқса минтақалар иқтисодиёти таркибида саноатнинг улуши нисбатан паст бўлиб қолмоқда. Мазкур ҳолатни инобатга олган ҳолда Бухоро вилояти иқтисодиёт таркибини маҳаллий шароитлар ва мавжуд салоҳиятдан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш устувор вазифалар қаторига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон «Ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги 794-сон «2019-2023 йилларда Бухоро вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва минтақаларни комплекс ривожлантиришга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакат ва минтакаларда таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий қайта қуриш масалалари хорижлик олимлардан N.Armstrong, J.Taylor, Luigi L.Pasinetti, Dorin Jula, A.Лёш, А.Вебер, W.Christaller ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритиб берилган <sup>2</sup>.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар муаммоси МДХ мамлакатларининг иқтисодчи олимлари – В.И.Видяпин, О.В.Кузнецова, А.Г.Гранберг, Э.П.Горбунов, О.Ю.Красильников, А.Д.Рахматуллина, Г.Р.Фахретдинова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган <sup>3</sup>.

Ўзбекистонда минтақа иқтисодиётини таркибий ўзгартиришнинг стратегик асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг маъруза ва асарларида илгари сурилган. Шунингдек, бу масала иқтисодчи олимлар – М.А.Абдусалямов, Т.М.Ахмедов, О.О.Олимжонов, А.М.Содиқов, Б.Рўзметов, А.А.Қаюмов, А.В.Маматкулов, Ф.Т.Эгамбердиев, Ш.Х.Назаров, А.Б.Низамов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган <sup>4</sup>.

Юқоридаги олимларнинг тадқиқотлари ва асарлари, концептуал фикрлари муҳим илмий ва услубий манба ҳисобланади. Айни пайтда минтақадаги мавжуд салоҳият ва ривожланишнинг ўзига хос

---

<sup>2</sup> Armstrong N., Taylor J. *Regional Economics and Policy*. L.: Harvester Wheatsheaf, 1993. - P. 397.; Pasinetti, Luigi L. *Structural economic dynamics: a theory of the economic consequences of human learning* / Luigi L. Pasinetti. Cambridge University Press, 1993. 186 p.; Dorin JULA "Economic Growth and Structural Changes in Regional Employment" *Romanian Journal of Economic Forecasting* – 2/2013 Bucharest, pp. 52-69; Лёш А. Географическое размещение хозяйства. – М., 1959; Вебер А. Чистая теория размещения промышленности. – М., 2003.; Christaller W, Die Hierarchie der Städte. In: Knut Norborg (Hrsg.): *Proceedings of the IGU Symposium in Urban Geography*, Lund, 1960, Nr. 24, 1962, S.3-11.

<sup>3</sup> Видяпин В.И., Степанов М.В. *Региональная экономика: Учебник* / Под ред. В.И.Видяпин, М.В.Степанов. – М.: ИНФРА-М, 2009. - 666 с.; Кузнецова О.В. *Экономическое развитие регионов: Теоретические и практические аспекты государственного регулирования*. Изд. 6-е. – М.: ЛЕНАНД, 2015. – 304 с.; Гранберг А.Г. *Основы региональной экономики*. Учеб. для вузов – 4-е изд. - М.: ГУ ВШЭ, 2004. - 495с.; Горбунов Э.П. *Инвестиционные ресурсы структурной перестройки в 1995-1997г.г.* // *Экономист*, 1995г., № 3; Красильников О.Ю. *Структурные сдвиги в экономике*, Саратов: Изд-во СГУ, 2001. – 147с.; Рахматуллина А.Д. «Оценка структурных изменений в экономике регионов» *Диссертации кандидат экономических наук*, Уфа, 2013.- 173 с.; ил. РГБ ОД, 61 13-8/697; Фахретдинова Г.Р. «Определение направления структурного сдвига в экономике региона: На прим. Респ. Башкортстан» *Диссертации кандидат экономических наук* УФА, 1998. - 147 с.

<sup>4</sup> Абдусалямов М.А. *О целях и методологических основах региональной политики*. Научно-исследовательский центр «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при ТГЭУ. Ташкент, 2015г.; Ахмедов Т.М. *Стратегия комплексного и устойчивого развития регионов Узбекистана*. В кн.: *Модернизация национальной экономики Узбекистана*. – Т.: АН РУз, 2011.- С. 18-21.; Олимжонов О.О. *Вопросы повышения конкурентоспособности сельских районов* // *Агрэкономика*. 2017. № 1. С. 7–12.; Содиқов А.М. *Основы регионального развития: теория, методология, практика* // *Монография*. Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2005, 280с.; Рузметов Б.Р. *Региональная экономика. Опыт, проблемы, эффективность комплексного развития*. – Т.: Фан, 2003. - 219 с.; Қаюмов А.А. *ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт*. – Т., 2004. – 114 б.; Mamatkulov A.V. *The role of free economic zones in attracting foreign direct investment through small business and private entrepreneurship in Uzbekistan. "Economic development and liberalization issues of implementation the five priority areas of Uzbekistan's development strategy"*. – Tashkent, 2018.; Эгамбердиев Ф.Т. *Региональные особенности развития агропромышленного комплекса*. – Т., 2003; – 110 б.; Назаров Ш.Х. *Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов*. – Т., 2011, –120 б.; Низамов А.Б. *Экономический рост: управление региональной экономикой в условиях рынка*. Монография. – Т.: Turon-Iqbol, 2006, 208 с.

хусусиятларини инобатга олиб, минтақалар, жумладан Бухоро вилояти иқтисодиётини таркибий жиҳатдан ўзгартириш муаммоси етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертациянинг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-154-сон «Миллий иқтисодиёт таркибий ўзгаришининг ялпи ички маҳсулот ўсишига таъсирини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги (2017-2020 йиллар) фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** минтақа иқтисодиётини таркибий жиҳатдан такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

инновациялар асосида минтақа иқтисодиёти таркибини такомиллаштиришнинг назарий-услугий асосларини тадқиқ этиш;

Бухоро вилояти иқтисодиётининг ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш ва таркибий ўзгаришларнинг динамикаси ва омилларини баҳолаш, минтақа иқтисодиётидаги тизимли муаммоларни аниқлаш;

Бухоро вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари паст бўлган туманларни аниқлаш ва уларнинг ички имкониятларини ўрганиш асосида ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

минтақанинг мавжуд ресурслари ва инвестиция маблағларидан самарали фойдаланган ҳолда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнларини жадаллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

вилоят иқтисодиёти таркибини такомиллаштиришга қаратилган кўп вариантли прогнозларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бухоро вилояти иқтисодиёти таркибини такомиллаштириш танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** минтақа иқтисодиёти таркибини такомиллаштириш жараёнида вужудга келувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли ва қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаш, иқтисодий таққослаш, матрицали таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш, шунингдек, эмпирик ва эконометрик таҳлил, иқтисодий прогнозлаш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари** қуйидагилардан иборат:

минтақа иқтисодиётига мультипликатив таъсир кўрсатадиган тармоқлар ҳамда замонавий тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатини устувор ривожлантириш асосланган;

Бухоро вилоятининг саноати кам ривожланган Вобкент, Пешкў, Олот ва Шофиркон туманларида қурилиш материаллари ва қишлоқ хўжалик хом-ашёларини қайта ишлайдиган кичик саноат корхоналарини ташкил этиш ва

истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларини таъминлаш таклиф этилган;

минтақа иқтисодиёти таркибини меҳнат ва инвестиция сифими юқори бўлган соҳаларни танлаб олиш асосида такомиллаштириш таклиф қилинган;

Бухоро вилояти иқтисодиёт таркибини мавжуд минерал хом ашё ва туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишга йўналтирилган 2030 йилгача мўлжалланган кўп вариантли прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

минтақа иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимлаштирилган;

минтақа иқтисодиётига киритилган инвестицияларнинг мультипликатор самараси асосида кўпайиши аниқланган;

минтақада иқтисодий фаолият соҳалари бўйича киритилган инвестициялар ҳажми ўзгаришларини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва иқтисодий фаолиятда банд бўлган ишловчилар сони ўзгаришлари билан таққослаш амалга оширилган;

Бухоро вилоятида ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ортда қолаётган туманларни мавжуд ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган;

Бухоро вилоятида ЯХМнинг ўсиш, ташқи савдо баланси, соф даромаднинг ўсиши прогнозлари комплекс чизиқли модель асосида ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда фойдаланилган ахборот базасининг ишончлилиги уларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг мамлакат ҳудудларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган устувор йўналиш ва дастурларга мувофиқлиги ҳамда тегишли хулосалар мутассадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти минтақа иқтисодиёти таркибини такомиллаштиришга қаратилган илмий-услугий асослар аниқланганлиги, эконометрик моделлар, иқтисодий прогнозлар ишлаб чиқилганлиги ва уларнинг ўзгариш қонуниятлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти минтақа иқтисодиётини таркибий ўзгартириш бўйича амалий таклифларнинг ишлаб чиқилганлиги, уларнинг Бухоро вилояти иқтисодиёти ривожланишига, инвестиция дастурларини такомиллаштиришга хизмат қилиш билан изоҳланади. Тадқиқот натижалари олий ўқув юртларида «Минтақавий иқтисодиёт» фанини ўқитишда ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрланишига маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Минтақа иқтисодиётини таркибий жиҳатдан такомиллаштириш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:



минтақа иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар самарадорлигини баҳолаш услуби Бухоро вилояти иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда қўлланилган (Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 6-3-1/20-1354-сон маълумотномаси, Бухоро вилояти ҳокимлигининг 2019 йил 1 майдаги 2/2035-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида меҳнат ресурсларини асосий фондларга алмаштириш нормаси кўрсаткичига мувофиқ таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун инвестиция киритилиши юқори самара берадиган тармоқлар ва соҳалар аниқланган;

минтақанинг истиқболга мўлжалланган барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига ҳамда инновацион иқтисодиётга ўтишдаги таркибий ўзгаришларга мавжуд омилларнинг таъсири асосида ҳудудни мутаносиб ривожлантиришнинг мониторинг тизими бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2018 йил 16 августдаги 87-сон буйруғига мувофиқ Бухоро вилоятини ижтимоий-иқтисодий, жумладан саноатни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 6-3-1/20-1354-сон маълумотномаси, Бухоро вилояти ҳокимлигининг 2019 йил 1 майдаги 2/2035-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларни амалиётга жорий этиш натижасида вилоятда таркибий ўзгаришлар 2030 йилга қадар ЯХМ таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши 20,0 фоизга камайтирилиши, саноатнинг улуши 35,8 фоизгача ва хизматларнинг улуши 44,2 фоизга оширилиши кутилмоқда;

Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси паст бўлган туманларда инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 майдаги 313-сон «2017-2019 йилларда Бухоро вилояти Олот туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 30 октябрдаги 889-сон «2018-2019 йилларда Бухоро вилоятининг Пешкў туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 30 октябрдаги 891-сон «2018-2019 йилларда Бухоро вилоятининг Шофиркон туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорлари лойиҳаларини тайёрлашда фойдаланилган (Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 6-3-1/20-1354-сон маълумотномаси, Бухоро вилояти ҳокимлигининг 2019 йил 1 майдаги 2/2035-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида ушбу ҳудудларда аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши 2044 минг сўмдан 2280 сўмгача оширилиши, 93 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилиши, 20 хил турдаги янги импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, корхона ва ташкилотлар томонидан 110,0 млрд. сўмлик қўшимча қиймат яратилиши, 180,0 млрд.сўм маблағ давлат бюджетига туширилиши таъминланган;

Бухоро вилояти иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришнинг кўп

вариантли прогноз параметрлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2018 йил 16 августдаги 87-сон буйруғига мувофиқ Бухоро вилоятини 2019-2030 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясининг мақсадли ориентирларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 6-3-1/20-1354-сон маълумотномаси, Бухоро вилояти ҳокимлигининг 2019 йил 1 майдаги 2/2035-сон 2/2035-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида вилоятда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг оптимал прогноз варианты танлаб олиниб, унга кўра 2030 йилга қадар ЯҲМ ўсиши 9,0 фоизга етказилиши, импорт-экспорт баланси 33,5 фоизга ошиши, соф даромад 1,3 мартага ошиши ва таркибий ўзгаришлар натижасида “мутлақ прогресс” кўринишдаги ўсиш суръатларига эришилиши белгиланди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шундан 5 та илмий мақола ОАК тавсия этган маҳаллий журналларда, 3 та илмий мақола хорижий журналларда, 12 та маъруза тезиси чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 127 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Минтақа иқтисодиётини таркибий жиҳатдан такомиллаштиришнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида минтақа иқтисодиёти таркибини такомиллаштиришнинг моҳияти ва хусусиятлари, инновациялар асосида таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг хориж тажрибаси ҳамда минтақа иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларни баҳолаш усуллари ёритилган.

Кўпгина ривожланган давлатлар амалиётида миллий иқтисодиётни модернизация қилиш ва унда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда туртки бўладиган соҳаларни аниқлаш муаммоси фақат макро ва микро даражада эмас, балки минтақа даражасида ўрганилади. Минтақа

иктисодиётини тартибга солиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш уларни илмий-услубий асослашни ва чуқур таҳлил қилишни талаб қилади.

Таркибий ўзгаришлар мураккаб ва доимий узлуксиз жараён бўлиб, улар нафақат миқдор ўзгаришлари, балки сифат ўзгаришларини амалга ошириш орқали намоён бўлади. Таркибий ўзгаришлар иқтисодий тизимнинг турли даражаларида: индивид ёки уй хўжалиги даражасида – нанодаражада, корхона ёки фирма даражасида – микродаражада, тармоқ ёки ҳудуд даражасида – мезодаражада, миллий ёки жаҳон иқтисодиёти даражасида – макродаражада амалга оширилади ва қуйидагича таснифланади (1-жадвал).

Таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ тушунчалар иқтисодчи олимлар томонидан чуқур ўрганилган бўлиб, жумладан австриялик олим Й.Шумпетер «Иқтисодий тизимни ҳаракатга келтирувчи асосий куч истеъмол таркибининг янгиланиши, товар ишлаб чиқариш ва етказиб беришнинг янги усуллари қўллаш, бозорлар фаолиятини яхшилаш ва иқтисодиётни ташкил этишнинг замонавий шакллари қўллашга боғлиқ»<sup>5</sup>, деб таъкидлайди.

#### 1-жадвал

#### Таркибий ўзгаришларнинг кўлами жиҳатидан тавсифланиши<sup>6</sup>

| №  | Кўламига қараб | Таркибий ўзгаришлар йўналишлари  |
|----|----------------|--|
| 1. | Макродаражада  | Жамият миқёсида ялпи талаб ва унинг элементлари ўзгариши, ЯИМ таркиби ўзгариши ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги нисбатлар ўзгариши                      |
| 2. | Мезодаражада   | Ҳудуд миқёсида ЯҲМ ва унинг элементлари ўзгариши, тармоқ миқёсида ЯҲМ таркибидаги тармоқларнинг улуши ўзгариши   |
| 3. | Микродаражада  | Корхона ёки фирма миқёсида маҳсулот кўриниши ва турлари ҳамда корхона ялпи даромадида маҳсулот турлари улуши ўзгариши  |
| 4. | Нанодаражада   | Индивид ва уй хўжалиги даражасида истеъмол ва даромадлар ўзгариши, алоҳида талабнинг ошиши, даромад таркибида жамғариш улуши ўзгариши, истеъмол таркибидаги ўзгаришлар |

Минтақалар иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича илмий назарияларда олимлар кўпроқ минтақаларда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш масалаларига эътибор қаратганлар. Жумладан, И.Тюненинг «қишлоқ хўжалик штандорти» назарияси, А.Вебернинг<sup>7</sup> «саноат штандорт»лари назарияси, А.Лёшнинг<sup>8</sup> «жойлаштириш» назарияси, Ф.Перрунинг<sup>9</sup> «ўсиш кутблари ва ривожланиш маркази» назариялари бу

<sup>5</sup> Schumpeter Y. Business Cycles. vol. 1,2. – New York, 1989. С. 122.

<sup>6</sup> Муалиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>7</sup> Вебер А. Чистая теория размещения промышленности. – М., 2003.;

<sup>8</sup> Лёш А. Географическое размещение хозяйства. – М., 1959;

<sup>9</sup> Перру Ф. Экономическое пространство: теория и приложения // Пространственная экономика. № 2. 2007

борадаги муҳим назариялар ҳисобланади. Шунингдек, В.Кристаллернинг<sup>10</sup> «марказий ўрин назарияси» асосида минтақаларнинг самарали тузилмалари, товар ва хизматлар ҳаракатининг оқилона йўналишлари, минтақалар бошқаруви маъмуриятининг қулай тузилмасини шакллантириш масалалари ёритиб берилди.

Таркибий ўзгаришларнинг хорижий тажрибасини ўрганиш жаҳон миқёсидаги асосий тенденцияларни кузатиш, мамлакат, минтақа ва тармоқларнинг таркибий янгиланиш стратегиясини амалга ошириш йўллари, минтақа корхоналарнинг ишлаб чиқариш, технологик ва бошқарув соҳалари ўзгаришларининг устувор йўналишларини аниқлаш имконини берди<sup>11</sup>.

Ривожланган мамлакатлардаги таркибий ўзгаришлар сиёсати иқтисодий ўсишнинг асосини яратиш ва уни сифат жиҳатидан янгилаш учун ресурсларни қайта тақсимлашга қаратилган ҳаракатларни ўз ичига олади. Бу sanoatни таркибий ўзгартиришга қаратилган устувор соҳаларга ресурслар ва капитални йўналтиришни таъминлаш учун тартибга солиш усулларини шакллантириш, ресурслар ва инвестицияни фойда келтирмайдиган фаолиятдан фойда келтирадиган локомотив тармоқларга йўналтириш орқали амалга оширилади.

Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун қўшимча хомашё манбалари, электр энергияси, ишлаб чиқариш қуввати, меҳнат ресурслари ва бошқалар талаб қилинади. Халқаро тажриба кўрсатадики, халқаро меҳнат тақсимооти тизимида ривожланган мамлакатларда кўп меҳнат ва ресурслар талаб қилувчи, экологик жиҳатдан зарарли соҳаларни бошқа давлатларга чиқариш амалиёти мавжуд. Бундан ташқари, технологик қайта қуриш доирасида эскириб бораётган жиҳозлар экспорт қилинади ёки замонавийлари билан алмаштирилади. Шунинг учун уларда инвестицион лойиҳалар илғор технологияларни қўллашга қаратилган бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда муаллифнинг фикрича, минтақадаги таркибий ўзгаришлар минтақада мавжуд салоҳият доирасида ресурсларни бир тармоқдан бошқасига йўналтириш орқали амалга оширилиши керак.

Минтақа иқтисодиётида юқори иқтисодий самарага эришиш учун ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ишлаб чиқариш омилларининг самарали нисбатини таъминлаш учун алмаштириш нормаси кўрсаткичини қўллаш мақсадга мувофиқ. Минтақа иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар самарадорлигини баҳолаш учун меҳнат ресурслари ва асосий фондлар кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда алмаштириш нормаси кўрсаткичи таклиф этилади ва у қуйидаги формула орқали ҳисобланади<sup>12</sup>:

<sup>10</sup> Christaller W. Die Hierarchie der Städte. In: Knut Norborg (Hrsg.): Proceedings of the IGU Symposium in Urban Geography, Lund, 1960, Nr. 24, 1962, S.3-11

<sup>11</sup> Гранберг А. Региональное развитие: опыт России и Европейского Союза. – М.: ГУ-ВШЭ, 2000.

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

$$AH_{(T,T-1)} = \frac{(\Phi_T - \Phi_{T-1})}{(M_T - M_{T-1})}; \quad (1)$$

бунда:  $\Phi_T$  – жорий йилдаги асосий фондлар қиймати, млн.сўм;

$\Phi_{T-1}$  – ўтган йилдаги асосий фондлар қиймати, млн.сўм;

$M_T$  – жорий йилдаги меҳнат харажатлари, млн.сўм;


$M_{T-1}$  – ўтган йилдаги меҳнат харажатлари, млн.сўм;

$AH_{(T,T-1)}$  – (T – 1) даврдан T давргача алмаштириш нормаси.

Агар алмаштириш нормаси  $AH > 1$  бўлса, тармоқда асосий фондларни меҳнат ресурсларига алмаштириш самарали ҳисобланади,  $AH < 1$  бўлса, меҳнат ресурсларни асосий фондларга алмаштириш самарали ҳисобланади,  $AH = 1$  бўлса, ресурсларни алмаштириш аҳамиятсиз.  $AH$  1 га қанча яқин бўлса, ресурсларни алмаштиришнинг тармоққа таъсири шунча кам бўлади. Муаллиф таклиф этаётган алмаштириш нормаси кўрсаткичининг афзаллиги унда чекланган нафлик назарияси инobatга олиниши ҳисобланади. Алмаштириш нормаси кўрсаткичи таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга оширишда самарали ҳисобланган ресурс турларини танлашда қўлланилади. У минтақадаги қайси тармоқларда самарадорликни ошириш учун инвестицияларни кўпайтириш кераклиги ва маблағларни қайси тармоққа йўналтириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «Бухоро вилоятида таркибий ўзгаришлар динамикаси ва омилларини баҳолаш» деб номланган иккинчи бобда вилоят иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш тенденцияси ва ўзига хос хусусиятлари, минтақада таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг муҳим омили сифатида саноатни ривожлантириш кўрсаткичлари таҳлили, вилоят иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали иқтисодий ўсишга эришишга инвестициялар таъсирининг таҳлили келтирилган.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси ва Бухоро вилояти иқтисодиётининг таркиби таҳлил қилинган бўлиб, уларнинг таркибий ўзгаришлари динамикаси 1-расмда келтирилган.



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси ва Бухоро вилоятида иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришлари динамикаси<sup>13</sup>**

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий <https://stat.uz> сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бухоро вилояти ЯҲМнинг таркибида саноатнинг улуши камайиб, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши ошишининг сабаби вилоятда қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан самарали фойдаланилганлиги, қишлоқ хўжалиги кластери ривожлантирилганлиги ва асосий саноат тармоқларида модернизациялаш ва таъмирлаш ишлари олиб борилганлиги ҳисобланади.

Бухоро вилояти иқтисодиёт тармоқларининг республика минтақалари орасидаги ўрнини ўрганиш кейинги йилларда вилоятда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш борасидаги ислохотлар самарадорлигини баҳолаш имконини беради. Вилоят иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши республика минтақалари орасидаги ўрнининг таҳлили 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал


### Бухоро вилояти иқтисодиёт тармоқларининг республика минтақалари орасидаги ўрни (аҳоли жон бошига, индексда)<sup>14</sup>

| Кўрсаткичлар                               | 2015 й.                    |                            | 2019 й.                    |                            |
|--|----------------------------|----------------------------|----------------------------|----------------------------|
|  | Индекс<br>(1.0 Ўзбекистон) | Минтақалар<br>орасида ўрни | Индекс<br>(1.0 Ўзбекистон) | Минтақалар<br>орасида ўрни |
| ЯҲМ  | 0,978                      | 7                          | 0,919                      | 8                          |
| Саноат ишлаб чиқариш                       | 0,917                      | 8                          | 0,776                      | 8                          |
| Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш         | 0,947                      | 6                          | 0,802                      | 8                          |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 0,672                      | 6                          | 1,534                      | 4                          |
| Инвестициялар                              | 1,582                      | 5                          | 0,915                      | 8                          |
| Хизматлар, жами                            | 0,339                      | 8                          | 0,756                      | 7                          |

Бухоро вилояти ЯҲМ ишлаб чиқариш бўйича 2015 йилда республика минтақалари орасида 7-ўринда бўлган бўлса, 2019 йилда 8-ўринга тушган. Бу даврлар оралиғида вилоятнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ўрни ўзгармаган. Вилоятнинг қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасидаги ўрни яхшиланган ва унинг инвестицион фаоллиги пасайган.

Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалигининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш натижасида маълум бўлдики, 2015-2019 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,5 марта ошган ва вилоятда деҳқончилик маҳсулотларини улуши камайиб, чорвачилик маҳсулотларнинг улуши ошган. Бунга сабаб 2019 йилда вилоятда чорвачилик соҳасини ривожлантиришга эътибор қаратилиб, қорақўлчилик соҳасининг жадал ривожлантирилгани, аҳолининг томорқа ер майдонларидан фойдаланиш даражаси яхшилангани ва уй шароитида чорвачилик билан шуғулланиш учун қулай шароитлар яратиб берилганлиги ҳисобланади (2-расм).

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий <https://stat.uz> сайти маълумотлари асосида тадқиқотчи ҳисоб-китоби.



## 2-расм. Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 2015-2019 йиллардаги ўзгариши, фоизда<sup>15</sup>

Бухоро вилоятида хизматлар соҳасининг ўзгариш тенденцияларини ўрганиш орқали кузатиш мумкинки, вилоятда бу соҳа ривожланиши сустр кечмоқда. 2016-2019 йилларда хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши камайган (3-жадвал).

### 3-жадвал

## Бухоро вилоятида иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ўзгариши (жамига нисбатан, %да)<sup>16</sup>

| Кўрсаткичлар   | Йиллар             |      |      |      | Улуши ўзг-ши, пункт |
|--|--------------------|------|------|------|---------------------|
|  | 2016 <sup>17</sup> | 2017 | 2018 | 2019 |                     |
| Жами хизматларни ЯХМдаги улуши   | 39,2               | 29,4 | 27,2 | 28,6 | -10,6               |
| умумий хизматлар ҳажми   | 100                | 100  | 100  | 100  | -                   |
| шу жумладан:   |                    |      |      |      |                     |
| Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари  | 6,2                | 5,9  | 5,7  | 4,6  | -1,6                |
| Молия хизматлари   | 8,2                | 8,6  | 10,2 | 14,0 | +5,8                |
| Транспорт хизматлари   | 21,9               | 28,7 | 26,3 | 24,8 | + 2,9               |
| Яшаш ва овқатланиш хизматлари  | 5,8                | 4,2  | 4,4  | 4,5  | -1,3                |
| Савдо хизматлари   | 36                 | 32,9 | 33,4 | 31,3 | -4,7                |
| Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар   | 3,2                | 2,9  | 2,8  | 2,5  | -0,7                |
| Таълим хизматлари  | 3,7                | 4,1  | 4,4  | 5,6  | + 1,9               |
| Соғлиқни сақлаш хизматлари   | 2                  | 1,8  | 1,9  | 1,8  | -0,2                |
| Ижара ва прокат хизматлари   | 3,3                | 2,7  | 2,7  | 2,6  | -0,7                |
| Компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари                               | 3,1                | 2,6  | 2,4  | 2,1  | -1,0                |
| Шахсий хизматлар   | 2,8                | 2,3  | 2,2  | 2,1  | -0,7                |
| Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар | 0,9                | 0,8  | 1    | 1,3  | + 0,4               |
| Бошқа турдаги хизматлар  | 2,9                | 2,5  | 2,6  | 2,8  | -0,1                |

Хизматлар соҳасидаги пасайишнинг сабаби транспорт, алоқа, савдо ва умумий овқатланиш каби хизматлар соҳасига инвестицияларнинг етарлича йўналтирилмагани ва хизматлар соҳасида мавжуд имкониятлар, жумладан туризм салоҳиятидан самарали фойдаланилмаётгани ҳисобланади.

<sup>15</sup> Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

<sup>16</sup> Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

<sup>17</sup> 2016 йилдан статистик маълумотлар янги иқтисодий фаолият турлари умумдават таснифлагичига ўтган.

Саноат тармоғини ривожлантириш бўйича вилоятдаги ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичларни ўрганишда ЯХМда саноатнинг улуши, саноатнинг республикадаги улуши ва бошқа кўрсаткичлар таҳлил қилинди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### Бухоро вилоятида саноат ривожланишининг умумий кўрсаткичлари, % да<sup>18</sup>

| Кўрсаткичлар                            | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. |
|---|---------|---------|---------|---------|---------|
| Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати    | 111,3   | 106,5   | 100,8   | 103,0   | 108,9   |
| ЯХМда саноатнинг улуши                  | 17,3    | 29,0    | 29,4    | 21,2    | 25,4    |
| Бандликда саноатнинг улуши              | 12,4    | 13,1    | 13,1    | 11,0    | 9,8     |
| Капитал қўйилмаларнинг саноатдаги улуши | 52,3    | 61,4    | 77,2    | 54,8    | 46,6    |
| Вилоят саноатининг республикадаги улуши | 5,3     | 5,0     | 4,4     | 3,7     | 4,4     |

Таҳлил қилинган йилларда ЯХМда саноатнинг улуши аввал ошиб, кейинчалик пасайган ва 2019 йилда 25,4 %ни ташкил этган. Саноатнинг жами бандликдаги улуши пасайган, бу саноатнинг кўпроқ меҳнат талаб қиладиган тармоқлари яхши ривожланмаганлигини билдиради.

Саноатни ривожлантириш орқали минтақада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мавжуд салоҳият (ресурслар) билан боғлиқ бўлиб, у вилоятдаги саноат корхоналарида мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари ёрдамида ўрганилган (5-жадвал).

#### 5-жадвал

### Бухоро вилоятидаги саноат корхоналарида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари<sup>19</sup>

| Кўрсаткичлар                 | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. |
|------------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Меҳнат унумдорлиги, млн. сўм | 138,4   | 169,2   | 176,3   | 196,7   | 258,1   |
| Меҳнат сиғими, киши          | 0,72    | 0,59    | 0,56    | 0,51    | 0,39    |
| Фонд қайтими (самараси), сўм | 1,75    | 2,21    | 2,28    | 2,36    | 3,36    |
| Фонд сиғими, сўм             | 0,57    | 0,45    | 0,44    | 0,42    | 0,30    |
| Материал қайтими, тийин      | 1,47    | 1,66    | 1,68    | 1,73    | 2,36    |
| Материал сиғим, тийин        | 0,68    | 0,60    | 0,59    | 0,56    | 0,42    |
| Капитал қайтими, сўм         | 2,21    | 2,55    | 1,33    | 1,14    | 1,52    |
| Капитал сиғими, сўм          | 0,45    | 0,39    | 0,75    | 0,87    | 0,65    |

Бухоро вилояти саноат корхоналарида 2019 йилда меҳнат унумдорлиги ва фонд қайтими ошиб, материал сиғимининг камайиши вилоятда мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида рўй берган.

Вилоят саноат корхоналарида салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда уларда ресурслардан оқилона фойдаланиш, яъни самарали алмаштирилиши бўйича хулоса қилиш керак. Шунинг учун вилоятда саноат тармоқларида ресурсларни алмаштириш нормаси (АН) кўрсаткичи таҳлил қилинди (6-жадвал).

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2018 йил январь-декабрь., Тошкент – 2019 й. ҳамда Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тадқиқодчи ҳисоб-китоби.

<sup>19</sup> Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.



**Бухоро вилояти саноат тармоқларида алмаштириш нормаси  
кўрсаткичи<sup>20</sup>**

| №  | Кўрсаткичлар   | 2015 й.  | 2016 й.  | 2017 й.  | 2018 й.   | 2019 й.   |
|----|--|----------|----------|----------|-----------|-----------|
| 1. | Саноатдаги асосий фондларнинг қиймати, млн.сўм                                   | 324423,8 | 364125,2 | 886252,3 | 1091276,6 | 1147345,8 |
| 2. | Саноатда ишловчилар сони, минг киши  | 30,4     | 31,6     | 32,3     | 33,78     | 35,47     |
| 3. | Саноатда ўртача иш ҳақи, минг сўм  | 16887,6  | 18224,4  | 19093,2  | 25156,2   | 29564,0   |
| 4. | Ишчи кучи харажатлари, млн.сўм (2 <sub>к</sub> *3 <sub>к</sub> )                 | 513383,0 | 575891,0 | 616710,4 | 849776,4  | 1048635,1 |
| 5. | Асосий фондлар қийматининг фарқи, млн.сўм (1 <sub>кТ</sub> – 1 <sub>кТ-1</sub> ) | 21738,8  | 39701,4  | 522127,1 | 205024,3  | 56069,2   |
| 6. | Ишчи кучи харажатларининг фарқи, млн.сўм (4 <sub>кТ</sub> – 4 <sub>кТ-1</sub> )  | 34012,7  | 62508,0  | 40819,3  | 233066,1  | 198858,6  |
| 7. | Алмаштириш нормаси (АН), (5 <sub>к</sub> / 6 <sub>к</sub> )                      | 0,639    | 0,635    | 1,279    | 0,879     | 0,282     |

2015, 2016, 2018 ва 2019 йилларда АН кўрсаткичи 1 дан кичик, яъни бу йилларда асосий фондларни меҳнат ресурсларига алмаштириш самарасиз амалга оширилган, 2017 йилда АН кўрсаткичи 1 дан катта, яъни асосий фондларни меҳнат ресурсларига алмаштириш самарадорлиги юқори бўлган. 2017 йилда АНнинг 1 дан юқори бўлишига сабаб Бухоро вилоятига киритилган инвестициялар ҳажми юқори суръатларда ошгани ҳисобланади.

Минтақада таркибий ўзгаришларни амалга оширишда вилоятда етакчи саноат тармоқларини аниқлаб олиш муҳим ҳисобланади. Бухоро вилоятида иқтисодий ўсишга мультипликатив таъсир кўрсатадиган тармоқлар сифатида қайта ишловчи саноат таркибига кирувчи тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатлари белгиллаб олинди.

Жаҳон бозорларида иқтисодий рақобат тобора кучайиб бораётган ва инновация сиғими юқори бўлган маҳсулотларга талаб мунтазам ортиб бораётган бир шароитда ҳар қандай конъюнктуравий ўзгаришларга бардош бера оладиган, ички ва ташқи бозор талабларига тезлик билан мослаша олувчи рақобатбардош саноат тармоқларини барқарор ривожлантириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Чунки, қайта ишловчи саноат тармоқларининг барқарор ва мутаносиб ривожланиши «иқтисодий ўсишнинг асосий таянч нуқтаси» эканлиги<sup>21</sup> ҳамда «қайта ишловчи саноатда битта иш ўрнининг яратилиши бошқа тармоқларда икки ёки учта иш ўринларининг яратилишига олиб келиши» мумкинлиги аллақачонлар ўз исботини топиб улгурган<sup>22</sup>.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, қайта ишловчи

<sup>20</sup> Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

<sup>21</sup> Lall S. (2000). Technological Change and Industrialization in the Asian Newly Industrializing Economies: Achievements and Challenges. In: Technology, Learning and Innovation: Experiences of Newly Industrializing Economies, eds. Kim L. and Nelson R.R. Cambridge: Cambridge University Press.

<sup>22</sup> Lavopa A. and Szirmai A. (2012). Industrialization, Employment and Poverty, UNU-MERIT Working Paper Series 2012-081. Maastricht, The Netherlands: United Nations University, Maastricht Economic and Social Research Institute on Innovation and Technology.

саноат тармоқларининг барқарор ривожланиши минтақадаги иқтисодий ўсиш суръатини тезлаштирувчи энг муҳим омил бўлиб, айниқса, мазкур тармоқлар инновация ва билимларнинг янги комбинациясидан фойдалана олиш имкониятлари юқорилиги, фан-техника ютуқлари ва илмий ишланмаларни ўзида тез татбиқ эта олиши, иқтисодиёт тармоқларини технологиялар билан таъминлай олиши, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш даражасини юқори суръатларга кўтара олиши каби жиҳатлари билан иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан фарқ қилади.

Бухоро вилоятида қайта ишловчи саноатда олдинги йилга нисбатан ўсиш тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотлари ишлаб чиқариш 120,4 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 106,6 фоизни ташкил этган.

Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёни бевоста иқтисодиётга киритиладиган инвестициялар билан боғлиқ бўлиб, Бухоро вилояти 2017 йилда инвестицион фаоллик жиҳатидан мамлакат минтақалари орасида 2-ўринни эгаллаган. Вилоятда инвестициялар ҳажми ошиши 2015 йилдаги 102,1 %дан 2017 йилда 151,7 %га кўтарилган, аммо 2019 йилда 97,3 %га камайган. Бунга сабаб 2017 йилда Қандим конлар гуруҳини ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва газни қайта ишловчи заводнинг қурилиши, Хаузак ва Шади конларини ишлаб чиқаришга тайёрлаш, шунингдек, Қувачи-Олот конларини кенгайтиришга йўналтирилган инвестициялар киритилиши бўлган.

Инвестициялардан самарали фойдаланишни баҳолашда муаллиф мультипликатор самараси кўрсаткичидан фойдаланган. У минтақа иқтисодиётига киритилган инвестициялар бир бирликда ошиши ЯХМни неча бирликда ўсишини кўрсатади (7-жадвал).

#### 7-жадвал

#### Бухоро вилоятида тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатига киритилган инвестицияларнинг мультипликатив кўпайиши (млрд. сўм)<sup>23</sup>

| Даромадларнинг ўзгариши | Истеъмол харажатлари ўзгариши | Жамғаришнинг ўзгариши |
|-------------------------|-------------------------------|-----------------------|
| 256                     | 192                           | 64                    |
| 192                     | 144                           | 48                    |
| 144                     | 108                           | 36                    |
| 108                     | 81                            | 27                    |
| 81                      | 60,75                         | 20,25                 |
| 60,75                   | 45,56                         | 15,19                 |
| 45,56                   | 34,17                         | 11,39                 |
| ...                     | ...                           | ...                   |
| 1024                    | 768                           | 256                   |

Вилоятдаги тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатига йилда киритилган инвестициялар 256 млрд. сўмга ошиши вилоятда ЯХМни 1024 млрд. сўмга ошишига олиб келади. Яъни, мультипликатор самараси натижасида вилоятда мазкур тармоқларига инвестициялар киритиш натижасида ЯХМ 4 баробарга кўпаяди.

<sup>23</sup> Бухоро вилояти статистика бошқармасининг маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Диссертациянинг «Минтақа иқтисодиётини таркибий жиҳатдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» деб номланган учинчи бобида инновацион иқтисодиёт шароитида минтақавий таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишлари, туманларнинг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда ҳудудий ички салоҳиятни баҳолашни такомиллаштириш, минтақа иқтисодиётини ривожлантиришнинг сценарийли прогнозларини ишлаб чиқиш масалалари ёритиб берилган.

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнлари инновацион характерга эга минтақавий таркибий ўзгаришларни амалга оширишни талаб этади. Инновацион иқтисодиётни шакллантириш кўплаб омилларга боғлиқ мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, бу омилларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни ташкил этиш кенг қамровли ва узоқ вақтни талаб этувчи жараён ҳисобланади.

Бухоро вилояти иқтисодиётининг таркибий тузилмасидаги ўзгаришларни таснифлаш учун уларни ишлаб чиқаришнинг технологик тузилмасидаги ўзгаришлар билан биргаликда кўриб чиқилган.

Ҳозирги шароитда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш иқтисодиёт соҳаларини муайян техник укладга (ТУ) ажратиш,<sup>24</sup> улар қандай ишлаб чиқариш ва технологик асосларда ривожланаётганлигини аниқлаш билан боғлиқ. Шунинг учун қўл меҳнати ёки паст механизациялашган технологияларга асосланган қишлоқ хўжалиги биринчи ТУга киритилди. Қишлоқ хўжалигида замонавий компьютер ва биотехнологиялар, ген муҳандислигини қўллаш тармоқни юқори технологик укладга силжитади.

Техник укладларга асосланган ҳолда диссертация ишида Бухоро вилояти иқтисодиётининг тармоқ таркиби жонли меҳнат (ишловчилар сони) ва қиймат (маҳсулот ишлаб чиқариш, инвестиция) жиҳатидан ўзгариши тадқиқ қилинган. Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича киритилган инвестициялар ҳажми ўзгаришларини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва иқтисодий фаолиятда банд бўлган ишловчилар сони ўзгаришлари билан боғлаб таққослаш муҳим хулосалар чиқариш имконини берди. Улар асосида вилоят иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг устувор йўналишлари аниқлаб олинган.

Диссертация ишида иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги таркибий ўзгаришларнинг ўзаро таъсири корреляция коэффициенти ( $K$ ) орқали таҳлил қилинган. 2010-2019 йилларда Бухоро вилояти иқтисодиётида тармоқлардаги таркибий ўзгаришлар ўзаро таъсирининг корреляция коэффициентлари матричасини ишлаб чиқилган (8-жадвал).

---

<sup>24</sup> Техник уклад (ТУ) – жамиятнинг илмий-техник, технологик ва ишлаб чиқариш базасини муайян ривожлантириш босқичининг асосини ташкил этувчи ўзаро боғлиқ меҳнат воситалари ва буюмларининг бутун мажмуасидир. Ушбу таърифга мувофиқ камида олтита тарихий ташкил этилган ТУларни ажратитиш мумкин: 1 ТУ – қишлоқ хўжалиги, ҳунармандлик, қўлбола ёғоч ва металлга ишлов бериш; 2 ТУ – тоғ-қон саноати, қора металлургия, темир йўл, тўқимачилик саноати; 3 ТУ – электр энергетикаси, нефтни қайта ишлаш, машинасозлик (автомобилсозлик ва кемасозлик), рангли металлургия; 4 ТУ – хизматлар, механизациялаш, аниқ ашинасозлик (асбобсозлик, самолётлар ишлаб чиқариш), кимё ва нефть кимёси; 5 ТУ – электроника, компьютер муҳандислиги, алоқа, телекоммуникация, ресурсларни тежаш ва чиқиндисиз технологиялар, автоматлаштириш; 6 ТУ – наноэлектроника, информатика, глобал тармоқлар, биотехнология, ген муҳандислиги, муқобил энергия, космик технологиялар.

## 8-жадвал

**2010-2019 йилларда Бухоро вилояти иқтисодиётидаги йирик тармоқлар таркибий ўзгаришларининг ўзaro таъсири корреляция коэффицентлари матрицаси<sup>25</sup>**

| Иқтисодий фаолият соҳалари  | Кўмир ва лигнит, хом нефть ва табиий газ казиб олиш | Тоғ- кон саноати соҳасидаги техник хизматлар | Озиқ- овқат хизматлар | Озиқ- овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш | Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш | Кийим ишлаб чиқариш | Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш | Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш | Бошқа нometалл маҳсулотлари ишлаб чиқариш | Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш | Электр, газ, буг билан таъминлаш ва хавони кондициялаш | Хизматлар | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | ЯХМ |
|---|---|--|-----------------------|--|--|---------------------|---|---------------------------------|---|---|--|-----------|---------------------------------|-----|
|   | 1   | 0,27   | 0,82                  | 0,42                                   | -0,76                                  | 0,64                | 0,86  | -0,42                           | -0,13                                     | -0,42   | 0,55   | -0,05     | -0,004                          |     |
| Кўмир ва лигнит, хом нефть ва табиий газ казиб олиш               | 1   | 0,27   | 0,82                  | 0,42                                   | -0,76                                  | 0,64                | 0,86  | -0,42                           | -0,13                                     | -0,42   | 0,55   | -0,05     | -0,004                          |     |
| Тоғ- кон саноати соҳасидаги техник хизматлар                      | 0,27  | 1  | 0,22                  | 0,57                                   | -0,61                                  | -0,11               | 0,41  | -0,09                           | 0,45                                      | 0,06  | 0,11   | -0,18     | -0,36                           |     |
| Озиқ- овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш                            | 0,82  | 0,22   | 1                     | 0,41                                   | -0,43                                  | -0,35               | 0,7   | 0,41                            | -0,01                                     | -0,75   | 0,30   | 0,38      | 0,31                            |     |
| Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш                            | 0,42  | 0,57   | 0,41                  | 1                                      | -0,52                                  | 0,2                 | 0,56  | -0,28                           | -0,12                                     | -0,3  | 0,17   | 0,25      | 0,14                            |     |
| Кийим ишлаб чиқариш   | -0,76   | -0,61  | -0,43                 | -0,52                                  | 1                                      | 0,34                | -0,7  | -0,03                           | -0,35                                     | 0,19  | -0,49  | 0,28      | 0,29                            |     |
| Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш             | 0,64  | -0,11  | -0,35                 | 0,2                                    | 0,34                                   | 1                   | 0,75  | 0,56                            | 0,31                                      | 0,08  | -0,5   | -0,5      | 0,09                            |     |
| Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш                                   | 0,86  | 0,41   | 0,7                   | 0,56                                   | -0,7                                   | 0,75                | 1   | -0,32                           | -0,02                                     | -0,41   | -0,34  | -0,46     | -0,16                           |     |
| Бошқа нometалл маҳсулотлари ишлаб чиқариш                         | -0,42   | -0,09  | -0,41                 | -0,28                                  | -0,03                                  | 0,56                | -0,32   | 1                               | 0,86                                      | 0,37  | 0,24   | -0,68     | -0,51                           |     |
| Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш | -0,13   | 0,45   | -0,01                 | -0,12                                  | -0,35                                  | 0,31                | -0,02   | 0,86                            | 1   | 0,45  | 0,41   | -0,64     | -0,55                           |     |
| Электр, газ, буг билан таъминлаш ва хавони кондициялаш            | -0,42   | 0,06   | -0,75                 | -0,3                                   | 0,19                                   | 0,08                | -0,41   | 0,37                            | 0,45                                      | 1   | 0,23   | -0,06     | -0,71                           |     |
| Хизматлар   | 0,55  | 0,11   | 0,30                  | 0,17                                   | -0,49                                  | -0,5                | -0,34   | 0,24                            | 0,41                                      | 0,23  | 1  | -0,48     | -0,73                           |     |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги                                   | -0,05   | -0,18  | 0,38                  | 0,25                                   | 0,28                                   | -0,5                | -0,46   | -0,68                           | -0,64                                     | -0,06   | -0,48  | 1         | 0,52                            |     |

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси 2010-2019 йиллар маъумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Баъзи тармоқларда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бир тармоқ билан юқори даражада боғлиқликка эга бўлса, бошқа тармоқлар билан паст даражадаги боғлиқликни ифодалайди. Масалан, хом нефть ва табиий газ қазиб олиш тармоғи кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқлари билан юқори даражадаги боғлиқликка эга. Айнан шу тармоқ қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоқлари билан паст даражада боғланган. Демак, вилоятда хом нефть ва табиий газ қазиб олиш тармоғини ривожлантириш учун унга мос ривожланишга эга тармоқларни паралел равишда ривожлантириш юқори самара беради.

Диссертация ишида Бухоро вилоятида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ҳудудий ички салоҳиятни баҳолаш методологиясидан фойдаланиш таклиф этилиб, унинг асосида Бухоро вилоятидаги саноати кам ривожланган Вобкент, Олот, Пешкў ва Шофиркон туманларининг (мазкур туманларнинг ялпи ишлаб чиқаришда саноатнинг улуши 4 фоиздан камлиги аниқланган) умумий ресурс салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар баҳоланган (9-жадвал).

#### 9-жадвал

#### Бухоро вилоятидаги саноати кам ривожланган туманларнинг умумий ресурс салоҳияти кўрсаткичлари (2019 йил)<sup>26</sup>

| №  | Кўрсаткичлар   | Туманлар |       |        |          |
|----|--|----------|-------|--------|----------|
|    |  | Вобкент  | Олот  | Пешкў  | Шофиркон |
| 1. | Табиий – ресурс салоҳияти, (TRP)                     | 601,0    | 320,0 | 2570,0 | 735,0    |
| 2. | Ҳудуднинг интеллектуал салоҳияти, (HIP)              | 30,0     | 61,6  | 21,8   | 43,5     |
| 3. | Ҳудуднинг тадбиркорлик салоҳияти, (HTP)              | 282,0    | 307,2 | 302,0  | 324,7    |
| 4. | Иқтисодий-молиявий салоҳият                          | 31,0     | 40,0  | 32,6   | 40,5     |
| 5. | Ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти, (HIMP)                | 30,0     | 40,0  | 32,8   | 40,5     |
| 6. | Ҳудудни ривожлантиришнинг ички салоҳияти, (HRIP)     | 30,7     | 21,4  | 54,1   | 33,8     |
| 7. | Ҳудудни ривожлантириш стратегияси, (HRS)             | 37,3     | 26,0  | 27,5   | 28,1     |
| 8. | Ҳудудни ривожлантиришнинг ташқи салоҳияти, (H RTP)   | 25,0     | 41,6  | 20,0   | 30,0     |
| 9. | Ҳудудий салоҳиятидан фойдаланиш натижадорлиги, (HPN) | 123,0    | 134,0 | 134,2  | 132,4    |

Ҳудудий табиий ресурс салоҳияти Пешкў туманида бошқа туманларга нисбатан юқори, мазкур туманнинг ички салоҳияти ҳам бошқаларга нисбатан анча яхши, ташқи салоҳият Олот туманида юқори бўлса, ҳудудий ривожлантиришнинг стратегик имкониятлари Вобкент туманида юқори, ҳудудий салоҳиятдан фойдаланиш натижадорлиги Пешкў ва Олот туманларида нисбатан юқори бўлгани кузатилди.

<sup>26</sup> Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Муаллиф томонидан вилоятдаги саноати кам ривожланган туманларга инвестициялар киритиш дастури таклиф этилган. Дастурда ушбу туманлар саноатида кўзда тутилган мақсадли кўрсаткичларга, аввало, ишлаб чиқариш суръатларининг камайишига йўл қўйган корхоналарда ижобий ўзгаришларни таъминлашга қаратилган тадбирлар, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш чора-тадбирлар белгилаб берилган. Мазкур туманларда мақсадга йўналтирилган стратегик лойиҳаларни амалга ошириш натижасида қуйидаги натижаларга эришиш белгиланган: 2021-2030 йилларда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2,6 мартага оширилади, 9300 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилади ва кичик бизнеснинг саноатдаги улуши 53,5 %га етказилади, туманлар бюджетга тушадиган маблағлар ҳажми оширилади.

Инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида юқоридаги туманларда 2030 йилга бориб 2019 йилга нисбатан гўштни қайта ишлаш 4,6 %дан 12,2 %га, сутни қайта ишлаш 2,5 %дан 16,1 %га, мева-сабзавотни қайта ишлаш 4,9 %дан 24,8 %га, терини қайта ишлаш 2,9 %дан 28,6 %га ҳамда пахта толасини қайта ишлаш 25,4 %дан 100 фоизга ўсишга эришилади ва вилоят саноатида 30 дан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Вилоятидаги саноат ривожланиши бўйича орқада бўлган туманларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида ривожлантириш бўйича яна қуйидаги таклифлар берилди:

Пешкў тумани қурилиш табиий захираларига бой бўлиб, унда мрамор, гранит, қурилиш тошлари, графит ва минерал буёқлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кенг эътибор қаратиш лозим;

Шофиркон туманида кум-шағал материаллари ишлаб чиқаришнинг табиий захиралари юқори бўлиб, туманда қурилиш тармоғини ривожлантиришга эътиборни ошириш керак;

Вобкент туманида боғдорчилик бўйича юқори натижаларга эришиш имконияти юқори бўлиб, ушбу туманда мева-сабзавотчилик кластерини жадал ривожлантириш зарур;

Олот тумани республикамиздаги чегара ҳудудларидан бири бўлиб, мазкур туманда темир йўл транспортини янада ривожлантириш салоҳияти юқорилигини инобатга олган ҳолда, туманда халқаро транспорт логистика хизматлари марказини ташкил этиш лозим ва бошқалар.

Тадқиқот ишида Бухоро вилояти иқтисодиётини ривожлантиришнинг сценарийли прогнозлари ишлаб чиқилган. Сценарийларни белгилашда минтақа иқтисодиётига киритиладиган инвестициялар қайси тармоқларга йўналтирилиши асосий мезон сифатида қабул қилинган. Бу бўйича иккита вариантдаги сценарийларда прогнозларни амалга оширилган.

Биринчи вариантда вилоят иқтисодиётига киритилган инвестициялар кўпроқ тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш ҳамда уй-жой қурилиши соҳасидан қурилиш материаллари саноати, кимё маҳсулотлари ва

пластмассалар, енгил ва озик-овқат саноати, фармацевтика соҳаларига йўналтирилиши назарда тутилган.

Иккинчи вариантда инвестициялар асосан тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш фаолият туридан, уй-жой қурилиши ва хизматлар соҳасидан туризмни ривожлантириш ва унинг инфратузилмасини шакллантирувчи тармоқларга (озик-овқат, транспорт ва алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва бошқа хизматлар) йўналтирилган.

Сценарийлар бўйича моделни тузиш ўзгарувчи омиллар ва параметрларни белгилаш, мақсадли кўрсаткичларни аниқлаб олиш орқали амалга оширилган. Моделнинг асосий йўналишлари сифатида юқори иқтисодий ўсиш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш орқали таркибий ўзгаришларни амалга оширишда вилоят иқтисодиётини қуйидаги фаолият турлари бўйича секторлар (йўналишлар)га ажратиб таҳлил қилинган:

биринчи сектор (хомашё етиштириш) хомашё етиштирувчи ва уни яримтайёр маҳсулотларгача қайта ишловчи тармоқлар: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш;

иккинчи сектор (товар ишлаб чиқариш) қайта ишлаш фаолияти (ишлаб чиқарадиган саноат, қурилиш)ни ўз ичига олади;

учинчи сектор (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш), савдо ва умумий овқатланиш хизматлари, туризм хизматлари, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа, туризм, коммунал хўжалиги (электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш)дан иборат.

Мазкур секторларга инвестицияларнинг тақсимланиш сценарийси қуйидаги нисбатларда прогноз қилинган: биринчи секторга 11 %, иккинчи секторга 48 % ва учинчи секторга 41 % инвестициялар йўналтирилади.

Юқоридаги сценарийлар бўйича тузилган модель асосида Бухоро вилояти иқтисодиёти тармоқлари таркиби ўзгаришининг 2030 йилгача прогноз параметрлари иккита вариантда ишлаб чиқилган (10-жадвал).

#### 10-жадвал

### Бухоро вилояти иқтисодиёти тармоқлари таркиби ўзгаришининг прогноз параметрлари, фоизда<sup>27</sup>

| №  | Кўрсаткичлар                    | 2019 й.<br>Амалда | Прогноз |      |         |      |         |      | 2030 йил<br>2019 йилга<br>нисбатан |         |
|----|---------------------------------|-------------------|---------|------|---------|------|---------|------|------------------------------------|---------|
|    |                                 |                   | 2021 й. |      | 2025 й. |      | 2030 й. |      | 1-в                                | 2-в     |
|    |                                 |                   | 1-в     | 2-в  | 1-в     | 2-в  | 1-в     | 2-в  |                                    |         |
| 1. | ЯҲМнинг йиллик ўсиш суръати     | 6,1               | 6,5     | 7,0  | 7,2     | 8,0  | 7,7     | 9,0  | +1,6п                              | +2,9п   |
| 2. | ЯҲМ таркиби:                    | 100               | 100     | 100  | 100     | 100  | 100     | 100  | -                                  | -       |
|    | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 46,0              | 36,8    | 35,2 | 29,3    | 26,4 | 23,7    | 20,0 | -22,3п                             | - 26,0п |
|    | Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 25,4              | 30,6    | 31,8 | 31,8    | 33,1 | 33,7    | 35,8 | +8,3п                              | +10,4п  |
|    | Хизматлар                       | 28,6              | 32,6    | 33,0 | 38,9    | 40,5 | 42,6    | 44,2 | +14,0п                             | +15,6п  |

<sup>27</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Вариантларни таққослаб, қуйидагича хулосага келинган:

2-вариант 1-вариантга нисбатан барча жиҳатдан устун;

2-вариантнинг афзаллиги инвестицияларни асосан иқтисодиёт драйвери бўлган туризм соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ фаолият турларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги, хизматлар соҳасининг кенг ривожланишига эришилишидир;

вилоят иқтисодиётининг асоси бўлган енгил саноат қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришга (кластерлар асосида) инвестиция киритиш имконини яратади, яъни «донор»лик қилиши вазифасини бажаради;

вилоятда кимёвий маҳсулотлар, пластмасса ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш маҳаллийлаштириш ҳисобидан импортни қисқартириш имконини беради.

Ишлаб чиқилган прогнозлардан келиб чиққан ҳолда вилоятда кейинги йилларда иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш тамойиллари белгилаб берилган. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ва ёқилғи саноатининг экспорт даражасини сақлаб қолиш билан бир қаторда енгил ва озиқ-овқат саноатлари, қурилиш материаллари саноати, кимёвий маҳсулотлар ва пластмасса, дори-дармон ишлаб чиқариш орқали импорт улушини камайтириш ва тармоқ таркибини оптималлаштиришга эришилилади ва натижада вилоятнинг ялпи маҳсулотининг барқарор кўпайтирилишига эришилилади. Шунингдек, вилоятда хизматлар соҳаси, жумладан туризм хизматлари жадал ривожлантирилади.

Умуман, вилоятда таркибий ўзгаришларни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги таклифлар берилган:

мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида маҳаллий хомашёни қайта ишлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш корхоналарнинг ишлаб чиқариш харажатлари камайиши ва меҳнат унумдорлиги ошишига олиб келади;

саноатни ривожлантиришда кўпроқ мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланмаётган туманларга асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Бунда вилоятдаги аниқ ўсиш нуқталари негизида маҳаллий хомашё ва ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳисобига ягона қўшимча қиймат занжирига бирлашган ишлаб чиқариш қувватлари жойларда яратилади;

ишлаб чиқаришнинг технологик даражасини ошириш, яъни юқори технологияли экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун минтақада махсус саноат зонасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Ушбу саноат зонасини ташкил этиш учун қулай шароитлар ва инфратузилма объектларини яратиш, маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этиш, ресурс тежовчи технологияларни киритишда имтиёзлар бериш керак;

ривожланган давлатларнинг минтақалар иқтисодиётини ривожлантириш бўйича тажрибасидан кенг фойдаланиш, минтақалар иқтисодиёти таркибини мутаносиб ва оптимал ривожлантириш мақсадида



интеграция жараёнларини кучайтириш, табиий-иқтисодий салоҳият, ресурслар, капитал ва рақобат устунликларидан самарали фойдаланиш лозим.

## ХУЛОСА

Минтақа иқтисодиётини таркибий жиҳатдан такомиллаштириш йўллари (Бухоро вилояти мисолида) мавзусида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар берилди:

1. Минтақа иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар назарияси ва методологиясини тадқиқ қилиш таркибий ўзгаришларни нафақат макро ва микро даражада, балки минтақа даражасида ҳам амалга ошириш зарурлигини кўрсатиб берди. Минтақа иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар нафақат миқдор ўзгаришлари, балки инновацияларга асосланган сифат ўзгаришларидан ҳам иборат бўлишини илмий асослаш имконини берди.

2. Минтақа иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар самарадорлигини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш мақсадида меҳнат ресурслари ва асосий фондлар ўртасидаги боғлиқликни ифодалаб берувчи алмаштириш нормаси мезони ишлаб чиқилди. Мазкур мезон асосида минтақадаги корхоналарда меҳнат ресурсларини асосий фондларга самарали алмаштириш имкони ўрганилди ва у минтақага инвестиция киритиш бўйича қабул қилинадиган қарорлар самарадорлигини оширишга ёрдам берди.

3. Бухоро вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулоти 2019 йилда 6,1 %га ўсди. Вилоятда саноатнинг ўсиши 8,9 %ни, қурилишнинг ўсиши 14,1 %ни ва хизматлар соҳасининг ўсиши 13,9 %ни, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ўсиши 4,3 %ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 4,4 %га ўсди. Умуман, вилоят иқтисодиётида ўсиш тенденциялари мавжуд, лекин уларни таркибий жиҳатдан тартибга солиш лозим.

4. Ўзбекистон Республикаси ЯИМ таркибида иқтисодиёт тармоқлари улушининг таҳлили унинг таркибида саноат тармоғининг улуши 30,0 %ни (2015 йил – 22,2 %), хизматлар соҳасининг улуши 35,5 %ни (2015 йил – 48,6 %) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг улуши 28,1 %ни (2015 йил – 34,0 %ни) ташкил этди. Бухоро вилоятининг ЯҲМнинг таркибида саноатнинг улуши 25,4 %ни (2015 йил – 30,0 %), хизматлар улуши 28,6 %ни (2015 йил – 37,9 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши 46,0 %ни (2015 йил – 32,1 %) ташкил этди. Бу кўрсаткичлар Бухоро вилояти ЯҲМнинг таркибида муаммоли ҳолатлар мавжудлигини кўрсатиб берди ва вилоят иқтисодиётини таркибий жиҳатдан такомиллаштиришнинг заруратини янада оширди.

5. Бухоро вилоятида корхоналарнинг самарадорлик кўрсаткичи сифатида алмаштириш нормаси таҳлил қилинганда баъзи йилларда асосий фондларни меҳнат ресурсларига алмаштиришни самарасиз бўлиши, баъзи йилларда эса асосий фондларни меҳнат ресурсларига алмаштириш самарадорлиги юқори бўлиши кузатилди. Алмаштириш нормаси кўрсаткичи ижобий бўлган йилларда минтақа иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми юқори бўлди. Демак, алмаштириш нормаси

иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми билан тўғридан-тўғри боғлиқликка эга.

6. Бухоро вилоятида таркибий ўзгаришларни амалга оширишга мультипликатив таъсир этувчи тармоқлар аниқланди. Булар қайта ишловчи саноат таркибига кирувчи тўқимачилик ва озиқ-овқат тармоқлар сифатида белгиланди. Вилоятда мазкур тармоқларда “иқтисодий ўсишнинг асосий таянч нуқтаси” экани ва мазкур тармоқларда битта иш ўрин яратилиши бошқа тармоқларда бир нечта ишчи ўринлари яратишига олиб келиши аниқланди. Шунингдек, вилоятдаги мазкур тармоқларга инвестиция киритилиши бир бирини ўсиши, ЯХМни 4 баробар ўсишига олиб келиши аниқланди.

7. Минтақа иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда иқтисодиёт тармоқлари техник укладларга ажратилиб, улар минтақадаги ишлаб чиқариш жараёнлари қандай технологиялар асосида ривожланаётганини кўрсатиб берди. Техник укладларга асосан таркибий ўзгаришларни амалга оширишда иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги боғлиқликнинг корреляцион коэффицентлари ўрганилиб, тармоқларни мутаносиб ривожлантириш асосида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш имкониятлари аниқланди.

8. Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш минтақаларнинг ички салоҳиятидан боғлиқ бўлиб, Бухоро вилоятидаги саноати кам ривожланган туманларнинг ички салоҳиятини баҳолаш методологияси такомиллаштириди ва унга асосан ҳудудларни ривожлантиришни стратегик имкониятлари аниқланди.

9. Бухоро вилоятидаги саноати кам ривожланган Вобкент, Олот, Пешкў ва Шофиркон туманларининг мавжуд салоҳиятидан фойдаланиш дастурлари ишлаб чиқилди. Мазкур туманларда мақсадга йўналтирилган стратегик лойиҳаларни амалга ошириш натижасида қуйидаги натижаларга эришилиши белгиланди: 2021-2030 йилларда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,6 мартага оширилади, 9300 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилади ва кичик бизнеснинг саноатдаги улуши 53,5 %га етказилади, туманлар бюджетга тушадиган маблағлар ҳажми 180,0 млрд. сўмга оширилади.

10. Вилояти иқтисодиёти таркибини такомиллаштиришга мўлжалланган кўп варианли прогнозлаш параметрлари ишлаб чиқилиб, таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг оптимал прогноз варианты танлаб олинди, унга асосан вилоятда 2030 йилга қадар ЯХМ ўсиши 9,0 %га етказилиши, ЯХМ таркибида саноатнинг улуши 35,8 %гача ошиши, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши 20,0 %га камайиши ва хизматларнинг улуши 44,2 %га ошиши белгиланди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.14/30.12.2019.I.84.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ  
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ И  
МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ ПРИ  
МИНИСТЕРСТВЕ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ И  
СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**НИЗАМОВ АКМАЛ АСЛИТДИНОВИЧ**

**ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СТРУКТУРЫ ЭКОНОМИКИ  
РЕГИОНА (НА ПРИМЕРЕ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ)**

**08.00.12 - Региональная экономика**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**Диссертации доктора философии(PhD) по экономическим наукам**

**Тошкент – 2021**



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в условиях нестабильности в мировой экономике возрастает значение регионального экономического развития. В развитых и развивающихся странах экономический рост в основном достигается за счет эффективного использования местного природно-экономического потенциала и улучшения структуры экономики регионов. Вследствии этого, совершенствование структуры экономики регионов становится ключевым фактором обеспечения экономического роста в зарубежных странах.

В мировой экономической практике проводятся комплексные научные исследования по изучению и решению проблем структурных преобразований экономики в регионах. В частности, особое внимание уделяется процессам модернизации и диверсификации экономики региона, совершенствованию методов распределения, анализа и прогнозирования факторов производства с учетом их специфики.

Одним из приоритетных направлений в обеспечении устойчивого экономического роста в Узбекистане является ускоренное развитие промышленности и сферы услуг за счет коренных структурных изменений и значительного повышения их доли в валовом внутреннем продукте. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы подчеркивается важность «расширения масштабов модернизации и диверсификации экономики регионов, ускоренного развития относительно низкоразвивающихся районов и городов, в первую очередь, за счет увеличения промышленного и экспортного потенциала»<sup>1</sup>. В регионах доля промышленности в экономике остается относительно низкой. Принимая во внимание эту ситуацию, одним из приоритетов является совершенствование структуры экономики Бухарской области с учетом местных условий и имеющегося природно-экономического потенциала.

Результаты исследования в определенной степени служат выполнению задач, намеченных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №ПП-3821 от 8 августа 2017 года «О первоочередных мерах по обеспечению ускоренного социально-экономического развития регионов», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №794 от 21 сентября 2019 года «О мерах по комплексному социально-экономическому развитию Бухарской области в период 2019-2023 годов» и других нормативно-правовых актах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

технологий Республики Узбекистан I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** Структурные изменения в стране и регионах, а также вопросы реструктуризации экономики рассмотрены в научных трудах зарубежных ученых, таких как N.Armstrong, J.Taylor, Luigi L.Pasinetti, Dorin Jula, A.Лёш, А.Вебер, W.Christaller и других<sup>2</sup>.

Всесторонне изучены вопросы по направлению данного исследования в трудах В.И.Видяпина, О.В.Кузнецовой, А.Г.Гранберга, Э.П.Горбунова, О.Ю.Красильникова, А.Д.Рахматуллиной, Г.Р.Фахретдиновой и других учёных из стран СНГ<sup>3</sup>.

Стратегические основы структурного изменения региональной экономики в Узбекистане изложены в докладах и трудах Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева. Также проблемы развития структурных изменений в экономике исследованы в научных трудах ведущих учёных Узбекистана, таких как М.А.Абдусаломов, Т.М.Ахмедов, О.О.Олимжонов, А.М.Садыков, Б.Рузметов, А.А.Каюмов, А.В.Маматкулов, Ф.Т.Эгамбердиев, Ш.Х.Назаров, А.Б.Низамов и других<sup>4</sup>.

Исследования и работы вышеуказанных ученых, их концептуальные взгляды являются важным научным и методологическим источником для проведения научных исследований. Наряду с этим, следует констатировать, что проблема совершенствования структурных изменений экономики регионов в настоящее время при существующем потенциале и

---

<sup>2</sup> Armstrong N., Taylor J. Regional Economics and Policy. L.: Harvester Wheatsheaf, 1993. - P. 397.; Pasinetti, Luigi L. Structural economic dynamics: a theory of the economic consequences of human learning / Luigi L. Pasinetti. Cambridge University Press, 1993. 186 p.; Dorin JULA "Economic Growth and Structural Changes in Regional Employment" Romanian Journal of Economic Forecasting – 2/2013 Bucharest, pp. 52-69; Лёш А. Географическое размещение хозяйства.- М.: 1959; Вебер А. Чистая теория размещения промышленности. М.: - 2003.; Christaller W, Die Hierarchie der Städte. In: Knut Norborg (Hrsg.): Proceedings of the IGU Symposium in Urban Geography, Lund, 1960, Nr. 24, 1962, S.3-11.

<sup>3</sup> Видяпин В.И., Степанов М.В. Региональная экономика: Учебник / Под ред. В.И.Видяпин, М.В.Степанов. – М.: ИНФРА-М, 2009. - 666 с.; Кузнецова О.В. Экономическое развитие регионов: Теоретические и практические аспекты государственного регулирования. Изд. 6-е. – М.: ЛЕНАНД, 2015. – 304 с.; Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. Учеб. для вузов – 4-е изд. - М.: ГУ ВШЭ, 2004. - 495с.; Горбунов Э.П. Инвестиционные ресурсы структурной перестройки в 1995-1997г.г. // Экономист, 1995г., № 3; Красильников О.Ю. Структурные сдвиги в экономике, Саратов: Изд-во СГУ, 2001. – 147с.; Рахматуллина А.Д. «Оценка структурных изменений в экономике регионов» Диссертации кандидат экономических наук, Уфа, 2013.- 173 с.: ил. РГБ ОД, 61 13-8/697; Фахретдинова Г.Р. «Определение направления структурного сдвига в экономике региона: На прим. Респ. Башкортостан» Диссертации кандидат экономических наук УФА, 1998. - 147 с.

<sup>4</sup> Абдусаломов М.А. О целях и методологических основах региональной политики. Научно-исследовательский центр «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при ТГЭУ. Ташкент, 2015г.; Ахмедов Т.М. Стратегия комплексного и устойчивого развития регионов Узбекистана. В кн.: Модернизация национальной экономики Узбекистана. – Т.: АН РУз, 2011.- С. 18-21.; Олимжонов О.О. Вопросы повышения конкурентоспособности сельских районов // Агрэкономика. 2017. № 1. С. 7–12.; Содиқов А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика // Монография. Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2005, 280с.; Рузметов Б.Р. Региональная экономика. Опыт, проблемы, эффективность комплексного развития. – Т.: Фан, 2003. - 219 с.; Каюмов А.А. ва бошқалар. Минтакавий иқтисодийёт. – Т., 2004. – 114 б.; Mamatkulov A.V. The role of free economic zones in attracting foreign direct investment through small business and private entrepreneurship in Uzbekistan. "Economic development and liberalization issues of implementation the five priority areas of Uzbekistan's development strategy". – Tashkent, 2018.; Эгамбердиев Ф.Т. Региональные особенности развития агропромышленного комплекса. – Т., 2003; – 110 б.; Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов. – Т., 2011, –120 б.; Низамов А.Б. Экономический рост: управление региональной экономикой в условиях рынка. Монография. – Т.: Turon-Iqbol, 2006, 208 с.

особенностях, в том числе Бухарской области изучена недостаточно глубоко.

